WITH THE SUPPORT OF

AFD
GENCE FRANÇAISE E DÉVELOPPEMENT

YEVROPA ITTIFOQI

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
**IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI**

UNDP



**2025**
ЙИЛ
ИЖРОСИ





# ФУҚАРОЛАР УЧУН
# БЮДЖЕТ

# **ФУҚАРОЛАР УЧУН БЮДЖЕТ:** 2025 ЙИЛ ИЖРОСИ

Тошкент – 2026

“Фуқаролар учун бюджет: 2025 йил ижроси” ахборот нашри БМТ Тараққиёт Дастури (БМТТД) ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Европа Иттифоқи томонидан Франция тараққиёт агентлиги (AFD) орқали молиялаштирилган “Ўзбекистонда яшил ривожланишни молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш” қўшма лойиҳасини амалга ошириш дастури доирасида тайёрланди. Ушбу нашрда келтирилган фикр ва ҳулосалар муаллифнинг ўз нуқтаи назари бўлиб, БМТ, шунингдек БМТТД ва БМТ га аъзо давлатларнинг расмий нуқтаи назари ҳисобланмайди.

© БМТТД, 2026 (www.uz.undp.org)

# МУНДАРИЖА


КИРИШ 4

1 | МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ИЖРОСИ 5

2 | ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ 8

ДАРОМАДЛАР 8

ХАРАЖАТЛАР 13

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ 2025 ЙИЛГИ ИЖРОСИНИ “ЯШИЛ” БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ТАСНИФЛАШ НАТИЖАЛАРИ 25

ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ ИЖРОСИ 27

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ИЖРОСИ 32

БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИ ВА УНИ ҚОПЛАШ МАНБАЛАРИ 49

3 | ДАВЛАТ ҚАРЗИ 50

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР 52

БОҒЛАНИШ УЧУН МАЪЛУМОТ 54

# КИРИШ

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2025 йил учун Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган навбатдаги “Фуқаролар учун бюджет” нашрини тақдим этмоқда.

Сўнгги йилларда глобал иқтисодиётда кузатилган мураккаб вазиятларга қарамасдан мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ва юқори суръатларда ўсиш қайд этиб келмоқда. Хусусан, 2025 йилда кучли ички истеъмол ва инвестицион фаоллик натижасида ЯИМ ўсиши 7,7 фоизни ташкил этди.

Иқтисодий фаоллик ҳамда бюджет барқарорлигини таъминлаш борасида кўрилган чоралар натижасида консолидациялашган бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан 2,1 фоизни ташкил этди.

Нашрда 2025 йил учун Давлат бюджети ижросининг макроиқтисодий шарт-шароитлари, даромадлар прогноз кўрсаткичларининг ижро этилиши бўйича натижалар ва бюджет харажатларининг режалаштирилиши ва ижро этилиши, шунингдек маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисидаги маълумотлар, бюджет тақчилиги ва Давлат қарзи ҳолати тўғрисидаги маълумотлар ёритилган.

Нашрнинг асосий бўлимида Давлат бюджетининг асосий параметрлари ижроси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. 2025 йилда ҳам Давлат бюджети даромадларининг олдинги йилларга нисбатан ўсиш тенденцияси сақланиб қолди. Даромадларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар солиқлар кесимида ва даромадларнинг ўсиши ёки камайишига таъсир кўрсатган омилларни ҳисобга олган ҳолда тақдим этилган.

Давлат бюджетидан амалга оширилган харажатлар йўналишлар ва ҳудудлар кесимида тақдим этилган.

Шунингдек, нашрда 2025 йилда Ташаббусли бюджет жараёнлари учун ажратилган маблағлар ҳамда эришилган натижалар юзасидан маълумотлар ёритиб ўтилган. Ушбу бўлим орқали ҳудудлар кесимида илгари сурилган лойиҳалар ва аҳолининг овоз беришдаги фаоллиги каби таҳлилий маълумотлар билан танишиш мумкин.

Ушбу нашрда давлат молиясини бошқариш тизимига “Яшил бюджет” тамойилларини босқичма-босқич жорий этиш ишлари ҳамда Давлат бюджети харажатларини “яшил” бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш натижалари бўйича маълумотлар билан танишиш мумкин.

Нашр Давлат қарзининг ҳолати ва унга хизмат кўрсатиш харажатлари тўғрисидаги маълумотлар билан якунланади.


Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу нашр фойдаланувчилар учун фойдали бўлиши ва Давлат бюджетини шакллантириш, муҳокама қилиш ва ижро этиш жараёнларига фуқароларнинг қизиқиши ошишига хизмат қилишига умид қилади

**Ўзбекистон Республикаси**
**Иқтисодиёт ва молия вазирлиги**

# 1 МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ИЖРОСИ


2025 йилда иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган ислоҳотлар натижасида мамлакат **ялпи ички маҳсулот** (ЯИМ) ҳажми **1 849,6 трлн сўмни** ёки **147 млрд АҚШ долларни** ташкил этиб белгиланган прогноз параметрга (6%) нисбатан **1,7 фоиз** бандга юқори ўсиб, 2024 йилга нисбатан **7,7 фоизга** ошди.

### 2024-2025 ЙИЛЛАРДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ ВА ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ




2025 йилда иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери **хизматлар соҳаси** бўлиб, унинг ўсиш суръати **8,5 фоизни** (прогноз – 5,4%) ташкил этди. Шу билан бирга, ижобий ўсиш суръатлари иқтисодиётни **фискал рағбатлантириш** ҳисобига истеъмол харажатларининг ўсиши ҳисобига эришилди.

### ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ЯИМ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ, ФОИЗДА




Ҳисобот даврида иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ижобий ўсиш суръатлари кузатилди. Хусусан:

**Саноат тармоғида** 2025 йилда **1 101,1 трлн сўмлик** саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **– 6,8 фоизга** (прогноз – 6,1%) ўсди.


**Қишлоқ хўжалигида 539 трлн сўмлик** маҳсулотлар етиштирилган бўлиб, белгиланган прогноз кўрсаткичи (4,1%) га нисбатан **0,3 фоиз** бандга юқори бўлиб **4,4 фоизга** ўсди.

Шунингдек, **қурилиш ишлари** ҳажми ҳам **14,2 фоизга** ўсиши кузатилди (прогноз – 14,2%).


ЯИМнинг тармоқ таркибида сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган ҳолда хизматлар соҳаси улуши ортган ва бу соҳадаги ўсиш суръатларининг юқорилиги билан изоҳланади.

2025 йил **якунларига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар** ҳажми **591,1 трлн сўмни** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **10,5 фоизга** ўсди.

## ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ТАРМОҚ ТАРКИБИ, ФОИЗДА





## 2023-2025 ЙИЛЛАРДА МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ БЎЙИЧА КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР ҲАЖМИ, ТРЛН СЎМ





2025 йил **январь-декабрь** ойлари учун истеъмол нархлари индекси **7,3 фоизни** ташкил этди. Кўриб чиқилаётган даврда **озиқ-овқат маҳсулотлари** нархи ўртача **5,5 фоизга**, **ноозиқ-овқат** маҳсулотлари – **5,1 фоизга** ва хизматлар – **13,9 фоизга** ошди.

## 2023-2025 ЙИЛЛАРДА ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ГУРУҲЛАРИ БЎЙИЧА ИСТЕЪМОЛ НАРХЛАРИ ИНДЕКСИ ДИНАМИКАСИ, ФОИЗДА




Ҳозирда глобал иқтисодиётдаги мавжуд ноаниқликлар фонида 2025 йил якунлари билан **ташқи савдо айланмаси 81,2 млрд АҚШ долларни** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **20,7 фоизга** ўсган.

## 2023-2025 ЙИЛЛАРДА ТАШҚИ САВДО КЎРСАТКИЧЛАРИ, МЛРД АҚШ ДОЛЛ





**Экспорт таркибида** саноат маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар ҳамда хизматлар экспорти асосий ўринни эгаллади. **Импорт таркибида** эса машиналар ва транспорт асбоб-ускуналар, саноат маҳсулотлари, кимёвий воситалар, минерал ёқилғилар асосий ўринни эгаллади.

## ЭКСПОРТ ТАРКИБИ, ФОИЗДА




## ИМПОРТ ТАРКИБИ, ФОИЗДА



# 2 ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ


## Даромадлар

Давлат бюджети даромадлари 2025 йил якуни билан **359 776,0 млрд сўмни** ташкил қилди. 2024 йилга нисбатан даромадлар 85 352,1 млрд сўмга ёки 31,1 фоизга ошган.

- Солиқ қўмитаси томонидан 247 838,0 млрд сўм (жами тушумга нисбатан 68,9%, 2024 йилга нисбатан 124,3%);
- Божхона қўмитаси томонидан 76 185,8 млрд сўм (жами тушумга нисбатан 21,2%, 2024 йилга нисбатан 120,9%). Шундан ҚҚС бўйича ўзаро ҳисобга олинган сумма 5,2 трлн сўмни ташкил қилади.
- Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар 35 752,2 млрд сўмни (жами тушумга нисбатан 9,9%, 2024 йилга нисбатан 3 баробарга ошган) ташкил қилди.

Бошқа даромадлар таркибига қўшилган қиймат солиғи бўйича қайтариш (қоплаб бериш), фуқароларга харид суммасидан 1% (“кэш-бэк”) қайтариш, шунингдек дивидендлар ва солиқсиз тушумлар киради.

**2023 – 2025-ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ ДИНАМИКАСИ, ТРЛН СЎМ**





**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ**

| Даромадлар | 2024 йил ижро | 2025 йил ижро | Фарқ | Фоиз |
|---|---|---|---|---|
| **ЖАМИ** | **274,423.9** | **359,776.0** | **85,352.1** | **131.1** |
| **Бевосита солиқлар** | **90,833.0** | **117,808.1** | **26,975.1** | **129.7** |
| Фойда солиғи | 52,619.7 | 72,303.9 | 19,684.2 | 137.4 |
| Айланмадан олинадиган солиқ | 2,829.5 | 3,069.4 | 239.9 | 108.5 |
| Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 35,383.9 | 42,434.8 | 7,051.0 | 119.9 |
| **Билвосита солиқлар** | **88,342.1** | **109,750.6** | **21,408.5** | **124.2** |
| Қўшилган қиймат солиғи | 59,281.2 | 76,028.4 | 16,747.2 | 128.3 |
| Акциз солиғи | 19,059.9 | 21,861.5 | 2,801.6 | 114.7 |
| Божхона божи | 10,001.0 | 11,860.6 | 1,859.7 | 118.6 |
| **Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи** | **36,362.6** | **44,949.4** | **8,586.8** | **123.6** |
| Мол-мулк солиғи | 6,804.7 | 8,013.5 | 1,208.8 | 117.8 |
| Ер солиғи | 8,215.6 | 10,041.7 | 1,826.1 | 122.2 |
| Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ | 20,169.6 | 25,826.2 | 5,656.6 | 128.0 |
| Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 1,172.7 | 1,068.0 * | -104.7 | 91.1 |
| **Бошқа даромадлар** | **58,886.2** | **87,268.0** | **28,381.7** | **148.2** |

**) Қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг сув солиғи тушумларининг 40 фоизи ёки 347,8 млрд сўми “Сув етказиб бериш хизмати” ДУК лар фаолиятини молиялаштириш, уларнинг балансидаги объектларни сақлаш ва техник ҳолатини яхшилаш харажатларига йўналтирилган.*

## 2025 ЙИЛДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ МАНБАЛАР БЎЙИЧА ЧОРАКЛИК ИЖРОСИ, ТРЛН СЎМ





**БЕВОСИТА СОЛИҚЛАР**
Давлат бюджети даромадлари таркибида бевосита солиқлар улуши 32,7%ни ташкил қилади

**БИЛВОСИТА СОЛИҚЛАР**
Давлат бюджети даромадлари таркибида билвосита солиқлар улуши 30,5%ни ташкил қилади

**РЕСУРС ВА МОЛ-МУЛК СОЛИҚЛАРИ**
Давлат бюджети даромадлари таркибида ресурс ва мол-мулк солиқлари улуши 12,5%ни ташкил қилади

**БОШҚА ДАРОМАДЛАР ВА СОЛИҚСИЗ ТУШУМЛАР**
Давлат бюджети даромадлари таркибида улуши 24,3%ни ташкил қилади

*2025 йилда Давлат бюджети даромадлари таркибида бевосита солиқлар 32,7 фоизни, билвосита солиқлар 30,5 фоизни, ресурс солиқлари 12,5 фоизни ва бошқа даромадлар 24,3 фоизни ташкил қилди.*




# 2025 ЙИЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

**Бевосита солиқлар** бўйича тушумлар 2024 йил билан солиштирганда 27,0 трлн сўмга ёки 29,7 фоизга ошиб, 117,8 трлн сўмни ташкил этди.

## ДАРОМАДЛАРИНИНГ МАНБАЛАР КЕСИМИДА ИЖРОСИ

Солиқ турлари кесимида тушумлар.

**Фойда солиғи** –72,3 трлн сўмни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 19,7 трлн сўмга ёки 37,4 фоизга кўп бўлди.

2025 йилда солиқ тўловчилар тури бўйича фойда солиғи тушумлари:

| | |
|---|---|
| олтин ва мис қазиб чиқарувчи корхоналари (НКМК ва ОКМК) | 43,9 трлн сўм, ўсиш суръати – 12,7 трлн сўм ёки 40,9% |
| йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси солиқ тўловчилари (НКМК ва ОКМК дан ташқари) | 17,5 трлн сўм, ўсиш суръати – 3,5 трлн сўм ёки 25,4% |
| Ҳудудий солиқ тўловчилар | 11,0 трлн сўм, ўсиш суръати – 3,4 трлн сўм ёки 44,7% |

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи – 42,4 трлн сўмни ташкил қилди. 2024 йилга нисбатан 7,1 трлн сўмга ёки 19,9 % га ошди.

2025 йилда иш берувчилар томонидан ушлаб қолинадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари тушумлар:

| | |
|---|---|
| Дивиденд ва фоизлар кўринишидаги даромадлар учун | 1 413,6 млрд сўм (+262 млрд сўм) |
| Мол-мулк ижарасидан олинадиган солиқ | 941,7 млрд сўм (+300,4 млрд сўм) |
| Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад учун солиқ | 645,0 млрд сўм |

Айланмадан олинадиган солиқ – 3,1 трлн сўмни ташкил этди ва 2024 йилга нисбатан 240 млрд сўмга ёки 8,5 фоизга ошди.


**Билвосита солиқлар** бўйича 2025 йилда давлат бюджетига 109,8 трлн сўм келиб тушди, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 21,4 трлн сўмга ёки 24,2 фоизга кўп бўлди.

**Солиқ турлари кесимида тушумлар.**

Қўшилган қиймат солиғи – 76,0 трлн сўмни ташкил қилди, бу 2024 йилга нисбатан 16,7 трлн сўмга ёки 28,3%га кўпдир.

Ҳисобот даврида ҚҚС ялпи тушумлари (ўзаро ҳисобга олинган сумма билан биргаликда) 103,5 трлн сўмни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 16,8 фоизга ошган.

Солиқ органлари томонидан 45,2 трлн сўм (2024 йилга нисбатан 14,1 фоизга кўп), божхона органлари томонидан 58,3 трлн сўм (2024 йилга нисбатан 18,9 фоизга кўп, шундан ўзаро ҳисобга олинган 5,2 трлн сўм) ҚҚС бўйича тушумлар ундирилиши таъминланди.







## 2024-2025 ЙИЛЛАРДА ҚҚС НИНГ МАНФИЙ ФАРҚИ ҚОПЛАНИШИ

ҚҚСдан манфий фарқни қоплаш учун 2025 йил давомида солиқ тўловчиларга 27,4 трлн сўм миқдорида қўшилган қиймат солиғи суммаси қайтарилди (ялпи ҚҚС тушумларига нисбатан 26,5фоиз). Солиштириш учун, 2024 йил давомида ушбу мақсадларда қарийб 29,3 трлн сўм (ялпи ҚҚС тушумларига нисбатан 33,1 фоиз) маблағлар солиқ тўловчиларга қайтарилган.

**Акциз солиғи** – 21,9 трлн сўмни ташкил этиб, 2024 йилдаги тушумларга нисбатан 2,8 трлн сўмга ёки 14,7 фоизга ошди.

| Акциз солиғи тушумлари: | |
|---|---|
| **СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ** | **БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ** |
| солиқ органлари томонидан – **20,0 трлн сўм,** 2024 йилга нисбатан 2,3 трлн сўмга кўп | божхона органлари томонидан – **1,8 трлн сўм,** 2024 йилга нисбатан 551 млрд сўмга кўп |

**АКЦИЗ СОЛИҒИ ТУШУМЛАРИНИНГ АКЦИЗОСТИ МАҲСУЛОТЛАРИ КЕСИМИДАГИ СУММАСИ**

- алкоголь маҳсулотлари (пиво маҳсулотлари билан бирга) – 2,5 трлн сўм (2024 йилда – 2,3 трлн сўм);
- тамаки маҳсулотлари – 3,1 трлн сўм (3,0 трлн сўм);
- табиий газ – 6,7 трлн сўм (5,1 трлн сўм);
- шакарли ва энергетик ичимликлар – 1,2 трлн сўм (634 млрд сўм)
- бензин, дизель ёқилғиси ва газни охирги истеъмолчига реализация қилишдаги акциз солиғи – 5,5 трлн сўм (4,8 трлн сўм).

**Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи** – 44,9 трлн сўмни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 8,6 трлн сўмга ёки 23,6 фоизга ошди.

## РЕСУРС СОЛИҒИ ВА МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ ТУШУМЛАРИ ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ

| Солиқ турлари | 2024 йил | 2025 йил | Фарқи | Ўсиш % |
|---|---|---|---|---|
| **Жами:** | **36,362.6** | **44,949.4** | **8,586.8** | **123.6** |
| **Мол-мулк солиғи – жами** | **6,804.7** | **8,013.5** | **1,208.8** | **117.8** |
| *шундан :* | | | | |
| *юридик шахслар* | 4,425.5 | 5,205.5 | 780.1 | 117.6 |
| *жисмоний шахслар* | 2,379.2 | 2,807.9 | 428.7 | 118.0 |
| **Ер солиғи – жами** | **8,215.6** | **10,041.7** | **1,826.1** | **122.2** |
| *шундан :* | | | | |
| *юридик шахслар* | 4,864.0 | 5,730.8 | 866.7 | 117.8 |
| *жисмоний шахслар* | 3,351.6 | 4,310.9 | 959.4 | 128.6 |
| **Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ** | **20,169.6** | **25,826.2** | **5,656.6** | **128.0** |
| **Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ** | **1,172.70** | **1,067.97** | **243,1** | **120,7** |

*Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича умумий тушумлар 44,9 трлн сўмни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 8,6 трлн сўмга ёки 23,6 фоизга ошди.*

*Ресурс солиқлари бўйича даромадларнинг асосий улуши, яъни 57,5 фоизи ер қаъридан фойдаланганлик учун солиққа тўғри келиб, мазкур солиқ бўйича тушумлар 25,8 трлн сўмни ташкил этди.*

*2025 йилда мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича тушумлар 18,1 трлн сўмни ташкил этди.*




Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумлар 1,4 трлн сўмни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 243,1 млрд сўм ёки 20,7 фоизга ўсди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг сув солиғи тушумларининг 40 фоизи ёки **347,8 млрд сўми** "Сув етказиб бериш хизмати" ДУК лар фаолиятини молиялаштириш, уларнинг балансидаги объектларни сақлаш ва техник ҳолатини яхшилаш харажатларига йўналтирилди.

**Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар** – 87,3 трлн сўмни (2024 йилга нисбатан 28,4 трлн сўм ёки 48,2 % га кўп) ташкил этди.

| ДАВЛАТ УЛУШИ МАВЖУД КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН ТЎЛАНГАН ДИВИДЕНДЛАР | ДАВЛАТ БОЖИ, ЙИҒИМЛАР ВА ЖАРИМАЛАР |
|---|---|
| **49,9 трлн сўм** | **9,0 трлн сўм** |

# Харажатлар


Давлат бюджетидан 2025 йил давомида амалга оширилган харажатлар миқдори **383,9 трлн сўмни** ёки тасдиқланган параметрларга нисбатан **11,4 фоизга** ижро этилди.

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ 2025 ЙИЛ ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ

| Харажатлар | Тасдиқланган | Ижро |
|---|---|---|
| **Харажатлар – жами** | **344 780,1** | **383 927,7** |
| Ижтимоий харажатлар | 178 161,1 | 180 428,3 |
| Иқтисодиёт харажатлари | 39 672,5 | 43 691,3 |
| Марказлашган инвестиция лойиҳалари ва ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантириш харажатлари | 25 766,9 | 35 981,0 |
| Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари | 16 834,1 | 19 094,3 |
| Суд органларини сақлаш харажатлари | 1 821,1 | 1 970,7 |
| Давлат томонидан ННТ ва фуқаролик жамиятнинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш харажатлари ва ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари | 1 359,8 | 1 507,9 |
| Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг захира жамғармалари | 1 774,8 | 3 004,8 |
| Давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари (фоиз харажатлари) | 21 112,1 | 18 133,8 |
| Бошқа харажатлар | 58 277,6 | 80 115,7 |

2025 йилда Давлат бюджети харажатларининг 47% ини ижтимоий соҳа харажатлари ташкил этиб, **178 161,1 млрд сўм** миқдорида тасдиқланган ҳолда **180 428,3 млрд сўмга** ижро этилди. Ижтимоий соҳа харажатларининг асосий қисми таълим соҳасига йўналтирилди.

## 2025 ЙИЛ ИЖТИМОИЙ СОҲА ХАРАЖАТЛАРИ ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ



## ТАЪЛИМ

Таълимга амалга оширилган харажатларнинг 64 фоизи умумтаълимга, 20 фоизи мактабгача таълимга ва 16 фоизи кадрлар тайёрлашга йўналтирилди.


### 2023 ЙИЛ ТАЪЛИМ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ЙЎНАЛИШЛАР КЕСИМИДА ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ

| | Мактабгача таълим | Умумтаълимга | Кадрлар тайёрлаш |
|---|---|---|---|
| ТАСДИҚЛАНГАН | 15 925,8 | 53 561,4 | 14 544,7 |
| ИЖРО | 16 784,9 | 54 038,6 | 13 328,1 |


## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

Мактабгача таълим йўналишига амалга оширилган харажатлар **15 925,8 млрд сўм** миқдорида тасдиқланган ҳолда **16 784,9 млрд сумга** ижро этилди. Харажатларнинг ошишига тарбияланувчиларни соғлом овқатлантиришнинг замонавий усулларини жорий этиш, санитария-гигиена воситаларидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш, муассасаларнинг энергия самарадорлигини ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича бошқа топшириқлари ижроси сабаб бўлди.

### 2025 ЙИЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН МТМ ЛАРГА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР, МЛРД СУМ




### 2024-2025 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН МТМЛАРНИ ҚУРИШ, РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ВА КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШГА ХАРАЖАТЛАР, МЛРД СЎМ




Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни кенгайтириш мақсадида давлат томонидан ушбу соҳада давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш фаол қўллаб-қувватланмоқда.

| Давлат-хусусий шерикчилиги асосида ташкил этилган мактабгача таълим муассасаларига ажратилган субсидиялар: | | |
|---|---|---|
| **иш ҳақи, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа харажатларни қоплаш учун** | **бир тарбияланувчига тўғри келадиган харажатларнинг 50%ини қоплаш учун** | **электроэнергия харажатларнинг 50%ини қоплаш учун** |
| 3 512,4 млрд сўм | 425,7 млрд сўм | 12,1 млрд сўм |

| **МТМлар сони (нодавлатлар)** | **Мактабгача таълимнинг умумий қамрови** |
|---|---|
| 39 043 (31 990) | 78,4% |

## ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ҚАМРОВИ, ФОИЗДА




## УМУМТАЪЛИМГА

2025 йилда давлат бюджетининг умумий ўрта таълимга харажатлари 2024 йилга нисбатан 19,9% га ошди ҳамда **53 561,4 млрд сўм** тасдиқланган ҳолда **54 038,6 млрд сўмга** ижро этилди. Харажатлар асосан таълим муассасаларида ишлайдиган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш учун қўшимча маблағлар ажратиш ҳисобига тасдиқланган параметрларга нисбатан ошган.

## УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

| Кўрсаткичлар | | 2024 | 2025 |
|---|---|---|---|
| | Умумтаълим муассасалари сони шундан: | 11 060 | 11 098 |
| | Умумтаълим мактаблари | 10 050 | 10 110 |
| | Ихтисослашган мактаблар | 155 | 217 |
| | Мактаб-интернатлар | 157 | 115 |
| | Жисмоний ёки рухий ривожланишида нуқсони бор болалар учун мактаблар | 95 | 95 |
| | Президент мактаблари | 14 | 14 |
| | Бошқалар | 589 | 547 |
| | Ўқувчилар, минг нафар | 6 537 | 6 994,2 |
| | Ўқитувчилар, минг нафар | 538 | 550,4 |
| | Умумтаълим муассасаларига Давлат бюджети харажатлари ва умумий таълим билан боғлиқ бошқа харажатлар, млрд сўм | 45 076,4 | 54 038,6 |

## МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ

### АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

| | Болалар мусиқа ва санъат мактаблари | Таълим олувчи болалар сони | Давлат бюджетидан болалар мусиқа ва санъат мактабларини сақлаш харажатлари, млрд сўм |
|---|---|---|---|
| 2024 | 325 | 92 619 | 803,0 |
| 2025 | 326 | 85 661 | 1 008,1 |

### КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

2025 йилда профессионал таълим муассасалари ва академик лицейларни сақлаш харажатлари 2024 йилга нисбатан **17,5 фоизга** ўсиб, **4 000,6 млрд сўмни** ташкил этди.

### ЎРТА МАХСУС ВА КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

| Кўрсаткичлар | | 2024 | 2025 |
|---|---|---|---|
| | Касб-ҳунар колледжлари ва академик лицейлар сони | 791 | 788 |
| | Таълим олувчилар, минг нафар | 397 | 471 |
| | Ўқитувчилар, минг нафар | 26 | 27,2 |
| | Сақлаш харажатлари, млрд сўм | 3 405,7 | 4 000,6 |

## 2024 ЙИЛДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШГА ХАРАЖАТЛАР ИЖРОСИ

| профессионал таълим муассасаларига | академик лицейларга | бошқа ўқув муассасаларига |
|---|---|---|
| 3 468,4 млрд сум | 501,3 млрд сум | 30,9 млрд сум |


## ОЛИЙ ТАЪЛИМ

2025 йилда олий таълим муассасаларини сақлаш харажатлари 2024 йилга нисбатан **14,6 фоизга** ўсиб, **6 322,6 млрд сумни** ташкил этди. Бундан ташқари, 2025 йилда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги таълим кредитини молиялаштириш жамғармасига **1 718,0 млрд сўм** трансферт ажратилган.

### ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ


| | олий таълим муассасалари сони | Талабалар сони |
|---|---|---|
| **2024** | 203 | 1 516,9 минг |
| **2025** | 202 | 1 655,6 минг |

### ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ



## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

2025 йилда соғлиқни сақлаш харажатлари **41 291,9 млрд сўм** тасдиқланган ҳолда **43 275,4 млрд сўмга** ижро этилиб, 2024 йилга нисбатан соҳага ажратилган маблағлар 7 239,0 млрд сўмга ёки 20 фоизга кўпайди.




### 2025 ЙИЛДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ ТАРКИБИ, МЛРД СЎМ

| Харажатлар | Параметр | Ижро |
|---|---|---|
| **Жами** | **41 291,9** | **43 275,4** |
| *шу жумладан:* | | |
| иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ва ягона ижтимоий солиқ тўлови | 30 109,1 | 30 517,3 |
| давлат дастурлари ва марказлашган тадбирлар учун кўзда тутилган маблағлар | 2 276,8 | 2 449,0 |
| дори воситалари, тиббиёт буюмлари, вакцина ва бакпрепаратлар* | 1 877,3 | 2 419,3 |
| озиқ-овқат харажатлари | 1 103,0 | 929,8 |
| бошқа харажатлар | 5 925,7 | 6 960,0 |


** давлат дастурлари ва марказлашган тадбирлар учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан дори воситалари, тиббиёт буюмлари, вакцина ва бакпрепаратлар учун амалга оширилган харажатлар инобатга олинмаган.*

Харажатларнинг ошишига соҳага тажриба-синов тариқасида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги моделини жорий этиш, болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси марказининг клиник имкониятларини яхшилаш ва замонавий дори воситалари хариди, аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш ҳамда соҳани ривожлантириш билан боғлиқ бошқа қўшимча харажатлар таъсир этган.

2022 йилдан бошлаб Соғлиқни сақлаш соҳасида Давлат тиббий суғурта тизими босқичма-босқич жорий этиб келинмоқда. Шунга асосан Давлат тиббий суғурта тизими орқали молиялаштиришга ўтган тиббиёт муассасаларни Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали молиялаштириш мақсадида 2025 йилда соҳага ажратилган маблағларнинг қарийб **53 фоизи** ёки **22,9 трлн сўми** жамғармага трансферт шаклида ўтказиб берилди.

## ФАН, МАДАНИЯТ ВА СПОРТ

### 2023-2024 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН ФАН, МАДАНИЯТ ВА СПОРТГА ХАРАЖАТЛАР, МЛРД СЎМ




2025 йилда Давлат бюджетидан **фанга** харажатлар 2024 йилга нисбатан 66 млрд сўмга ошиб, **2 034,2 млрд сўмни** ташкил этди.

| | 2024 | 2025 |
|---|---|---|
| Илмий тадқиқот муассасаларини сақлаш харажатлари, млрд сўм. | 1 292,7 | 1 476,1 |
| Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилган маблағлар, млрд сўм | 675 | 558,1 |


2025 йилда **маданият соҳасига** ажратилган маблағлар 2024 йилга нисбатан 66,5 фоизга ўсиб, **4 643,7 млрд сўмни** ташкил этди.

### 2025 ЙИЛ МАДАНИЯТГА ХАРАЖАТЛАР ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ

| Харажатлар | Параметр | Ижро |
|---|---|---|
| **Жами** | **3 878,8** | **4 643,7** |
| *шу жумладан:* | | |
| Кутубхоналар | 261,5 | 293,1 |
| Музейлар, кўргазмалар ва кўргазма заллари | 156,9 | 167,3 |
| Саройлар ва маданият уйлари, клублар ва клуб шаклидаги муассасалар | 281,9 | 387,5 |
| «Ўзбекистон» Халқаро форумлар саройини сақлаш харажатлари | 12,0 | 11,9 |
| Театрлар, филармониялар, мусиқий бирлашмалар ва ансамбларни молиялаштириш | 572,1 | 695,0 |
| Реставрация ишларини назарда тутувчи тадбирларни молиялаштириш | 125,0 | 575,0 |
| Киномаҳсулотларини яратиш хизматлари | 180,0 | 180,9 |
| Телевидение ва радио эшиттиришлар | 866,4 | 868,5 |
| Даврий ахборот нашрларини чоп этиш | 132,3 | 77,6 |
| Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича марказ | 133,4 | 144,0 |
| Республика маънавият марказини сақлаш харажатлари | 66,5 | 69,5 |
| Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги ва унинг ҳудудий бўлимлари | 45,5 | 39,0 |
| Бошқа маданий-маърифий муассасалар ва тадбирлар | 1 045,3 | 1 134,4 |

2025 йилда **спортга 4 190,9 млрд сўм** ёки ўтган йилга нисбатан 31,7% кўпроқ маблағ йўналтирилди. Харажатлар асосан Миллий футбол марказини ташкил этиш ҳамда Ёзги Олимпия ва Осиё ўйинларинларига спортчиларнинг пухта тайёргарлик кўриши, уларга зарур шароит яратиш, ҳудудлардаги спорт инфратузилмаларнини яхшилаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ тадбирлар учун қўшимча маблағ ажратиш ҳисобига ошди.


### 2024-2025 ЙИЛЛАРДА СПОРТГА ХАРАЖАТЛАР ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ





## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

2025 йилда **ижтимоий ҳимоя** учун амалга оширилган харажатлар **14 490,7 млрд сўмни** ташкил этди. Ўз навбатида, иситиш мавсумида кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга **1 161,5 млрд сўмлик** бир марталик моддий ёрдам тақдим этилди.

### КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА БОЛАЛАР НАФАҚАЛАРИ ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ТЎЛОВЛАРИ




## 2024-2025 ЙИЛЛАРДА ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА ЎРТАЧА НАФАҚА ОЛГАН ОИЛАЛАР СОНИНИНГ ЖАМИ ОИЛЛАРДАГИ УЛУШИ, ФОИЗ




## ИҚТИСОДИЁТГА ХАРАЖАТЛАР

Иқтисодиётга харажатлар сув хўжалиги бўйича эксплуатация харажатлари, геология-қидирув ишлари, аҳоли пунктларини ободонлаштириш, автомобиль йўлларини сақлаш, уй-жой коммунал хўжалиги ва бошқа харажатларни ўз ичига олган ҳолда 2024 йилга нисбатан 13,7 % га ёки 5 274,2 млрд сўмга кўпайиб, **43 691,3 млрд сўмни** ташкил этди.

## 2024-2025 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ХАРАЖАТЛАРИ, ТРЛН СЎМ




Иқтисодиётга амалга оширилган харажатларнинг 2024 йилга нисбатан кўпайиши асосан пахта етиштирувчилар томонидан биржа савдолари орқали реализация қилинган пахта хом ашёси учун субсидия учун ҳамда янги ташкил этилган Умуммиллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармасига трансферт учун қўшимча маблағ ажратилганлиги билан изоҳланади.

## МАРКАЗЛАШГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ВА ҲУДУДЛАР ИНФРАТУЗИЛМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХАРАЖАТЛАРИ

Марказлашган инвестиция лойиҳалари ва ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантириш харажатлари тасдиқланган параметрларга нисбатан **10 214,1 млрд сўм** ортган ҳолда **35 981,0 млрд сўмни** ташкил этди.

### МАРКАЗЛАШГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ВА ҲУДУДЛАР ИНФРАТУЗИЛМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХАРАЖАТЛАРИ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАР, 2025 ЙИЛ ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ




Инвестиция харажатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ тадбирлар учун қўшимча маблағлар ажратилди. Натижада инвестиция дастурининг тасдиқланган объектлари сони 627 тага кўпайди. Шунингдек, “Камбағалликдан фаровонлик сари дастури” доирасида ҳудудлар (маҳаллалар) инфратузилмасини яхшилаш билан боғлиқ тадбирлар учун қўшимча маблағлар ажратилди. Бундан ташқари, маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари доирасида шаклланган маблағларнинг бир қисми Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар Халқ депутатлари Кенгашлари қарори билан инвестиция харажатларига йўналтирилган.

## 2025 ЙИЛ ИНВЕСТИЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИДАН:

ижтимоий соҳада

қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари якунланганидан сўнг:

- 437 та мактаб
- 227 та МТМ
- 161 та тиббиёт муассасалари
- 8 та олий таълим муассасаси
- 7 та маданият ва санъат муассасаси
- 3 та фан ва инновация муассасалари фойдаланишга топширилди

тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва сувоқова тизимини яхшилаш соҳасида:

1,8 минг км ичимлик ва оқова сув тармоқларини тортиш ҳамда 104 дона ичимлик ва оқова сув иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилди.


65 та маҳаллада яшовчи 315 минг нафардан ортиқ аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланди ва 1 150 минг нафар аҳолининг сув таъминоти яхшиланди.

Республика аҳолисининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 82,8 % га етди.

## ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ, БОШҚАРУВИ, АДЛИЯ, ПРОКУРАТУРА ВА СУДЛАРНИ САҚЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ

Давлат ҳокимияти, бошқаруви, адлия, прокуратура ва судларни сақлаш харажатларига **18 655 млрд сўм** тасдиқланган ҳолда **21 065 млрд сўмга** ижро этилди.

### 2025 ЙИЛДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ, БОШҚАРУВИ, АДЛИЯ, ПРОКУРАТУРА ВА СУДЛАРНИ САҚЛАШГА ХАРАЖАТЛАР, МЛРД СЎМ




Давлат ҳокимияти, бошқаруви, адлия, прокуратура ва судларни сақлаш харажатларининг ортиши иш ҳақининг ошиши, шунингдек алоҳида вазирлик ва идоралар ходимларига қўшимча тўловлар манбаларининг ўзгариши билан боғлиқ.

## 2024-2025 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАСНИФ БЎЙИЧА ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ

| № | Харажатлар | 2024 йил | 2025 йил |
|---|---|---|---|
| | **Жами** | **310 927,4** | **383 927,7** |
| | *шундан:* | | |
| 1 | Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар | 128 409,2 | 149 630,0 |
| 2 | Иш ҳақига қўшимчалар | 25 780,5 | 29 779,2 |
| 3 | Капитал қўйилмалар | 14 512,2 | 15 594,3 |
| 4 | Бошқа харажатлар | 142 225,5 | 188 924,2 |
| | *шу жумладан:* | | |
| 4.1 | Товар ва хизматларга харажатлар | 24 842,7 | 30 053,5 |
| | *шундан:* | | |
| | Хизмат сафарлари харажатлари | 267,1 | 354,2 |
| | Коммунал хизматлари | 8 679,6 | 8 985,3 |
| | Сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш | 1 227,9 | 1 593,7 |
| | Моддий айланма воситалар захираларига харажатлар | 9 375,8 | 12 668,8 |
| | *шундан:* | | |
| | Озиқ-овқат маҳсулотлари | 3 723,7 | 4 505,8 |
| | Дори-дармонлар, тиббиётда фойдаланиладиган воситалар, вакциналар ва бактериологик препаратлар | 3 333,4 | 3 702,5 |
| | Ёнилғи ва ЁММ | 761,5 | 928,5 |
| | Товар ва хизматларни сотиб олиш бўйича бошқа харажатлар | 3 865,7 | 4 600,5 |
| 4.2 | Асосий воситалар бўйича харажатлар | 5 057,1 | 8 389,9 |
| 4.3 | Фоизлар | 14 602,7 | 18 103,4 |
| 4.4 | Субсидиялар | 25 762,3 | 29 350,7 |
| 4.5 | Грантлар (давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар) | 31 666,9 | 37 645,3 |
| 4.6 | Бошқа харажатлар | 40 293,8 | 65 381,4 |

# Давлат бюджети харажатларининг 2025 йилги ижросини “яшил” бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш натижалари

Ҳозирда Давлат молиясини бошқариш тизимига “Яшил бюджет” тамойилларини босқичма-босқич жорий этиш ишлари давом эттирилмоқда. Жумладан, аввалги йилларда Давлат бюджети харажатларини иқлим ўзгаришига таъсири бўйича таснифлаш (маркировкалаш) амалга оширилиб келинган бўлса, 2023 йилдан бошлаб Давлат бюджети харажатларини “яшил” бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлашни амалга оширишга ўтилди. Давлат бюджети харажатларини “яшил” бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш янада кенгроқ тушунча ҳисобланиб, Давлат бюджети харажатларини нафақат иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ёки иқлим ўзгариши оқибатларига мослаштириш бўйича баҳолайди балки атроф-муҳит масалалари билан боғлиқ бошқа таъсирларни ҳам инобатга олади.

Давлат бюджети харажатларини “яшил” бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш бўйича батафсил БМТТД ҳамда ФТА билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Давлат бюджети харажатларини “яшил” бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш услубиётида келтирилган (Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 4 ноябрдаги 23-200-сон буйруғи билан тасдиқланган).

Шунингдек, мамлакатимизда 2030 йилга қадар давлат молиясини бошқариш тизимида «яшил» бюджетлаштиришни жорий этиш режаларини белгилаш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025 йил 30 декабрдаги “Давлат молиясини бошқариш тизимида 2030 йилгача “яшил” бюджетлаштиришни жорий этиш режаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 23-293-сонли буйруғи тасдиқланган.

Давлат молиясини бошқариш тизимида 2030 йилгача “яшил” бюджетлаштиришни жорий этиш режаларини тасдиқлаш ҳақидаги

Харажатларни “яшил” бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлашда биринчи навбатда иқлим ўзгариши ва атроф-муҳитга ижобий ёки салбий таъсирга эга тадбирлар аниқлаб олинади. Иқлим ўзгариши ва атроф-муҳитга ижобий ёки салбий таъсирга эга тадбирлар қуйидаги 3 та гуруҳга (атроф-муҳит мақсадлари) ажратилади ҳамда ушбу гуруҳларнинг ҳар бири “ижобий” ва “салбий” таъсири бўйича таҳлил қилинади:

1) Иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш тадбирлари;
2) Иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш тадбирлари;
3) Атроф-муҳит масалалари билан боғлиқ бошқа таъсирлар.

Харажатларни “яшил” бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда ҳар бир бюджет сатри юқорида келтирилган 3 та атроф-муҳит мақсадларига таъсир кўрсатиши нуқтаи назаридан баҳоланса, иккинчи босқичда баҳоланган ҳар бир бюджет сатри қуйидаги 4 та тоифалар бўйича гуруҳланади:

**«A» тоифа**

Атроф-муҳит мақсадларининг камида биттасига ижобий таъсир кўрсатадиган ва салбий таъсирга эга бўлмаган харажатлар

**«B» тоифа**

Атроф-муҳит мақсадларига ижобий ва салбий таъсирларнинг комбинациясига эга бўлган

**«C» тоифа**

Атроф-муҳит мақсадларидан камида биттасига салбий таъсир кўрсатадиган ва ижобий таъсирга эга бўлмаган

**«D» тоифа**

Атроф-муҳит мақсадларининг барчасига нейтрал таъсир кўрсатадиган харажатлар

2025 йилги Давлат бюджети харажатларини (383,9 трлн сўм) “яшил” бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш натижаларига кўра:

«A» тоифа бўйича харажатлар миқдори 35,7 трлн сўм бўлиб, жами харажатлардаги улуши 9,3 фоизни ташкил этади. Ушбу тоифада сув хўжалиги ташкилотларини сақлаш ва сув билан таъминлашга оид тадбирлар харажатлари (сув тадбирлари иқлим ўзгариши шароитида муҳим ўрин тутади), ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича харажатлар (ҳудудларда инфратузилмаларни ривожлантирилиши, ободонлаштириш иқлим ўзгаришига мослаштириш тадбирлари ҳисобланади), ўрмон хўжалиги, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгариши вазирлигини сақлаш харажатлари, жамоат транспорти бўйича харажатлар ва бошқа атроф-муҳит мақсадларига ижобий таъсир кўрсатадиган харажатлар инобатга олинган.

«B» тоифа бўйича, яъни атроф-муҳит мақсадларига ижобий ва салбий таъсирларнинг комбинациясига эга бўлган харажатлар миқдори 7,8 трлн сўм бўлиб, жами харажатлардаги улуши 2,0 фоизни ташкил этади. Ушбу тоифада геология-қидирув ишлари харажатлари (фаолият атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатсада, кам углеродли фаолиятлар учун зарур бўлган минералларни аниқлайди), ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ва ҳудудий бўлинмалари харажатлари (ветеринария хизмати ҳайвонларни иқлим ўзгариши таъсирига мослаштиришга ёрдам кўрсатса-да, чорвачилик фаолияти иқлим ўзгаришига салбий таъсир кўрсатади) кўзда тутилган.

«C» тоифа бўйича, яъни атроф-муҳит мақсадларидан камида биттасига салбий таъсир кўрсатадиган ва ижобий таъсирга эга эмас харажатлар миқдори 64,4 млрд сўм бўлиб, жами харажатлардаги улуши 0,02 фоизни ташкил этади. Бу тоифага иссиқхона газлари эмиссияларини ошишига олиб келувчи, сув сарфини оширувчи, атроф-муҳитни ифлослантирувчи тадбирлар, биологик хилма-хиллик ва экотизимга салбий таъсир кўрсатувчи тадбирлар киради.

«D» тоифа бўйича, яъни атроф-муҳит мақсадларининг барчасига нейтрал таъсир кўрсатадиган харажатлар миқдори 340,4 трлн сўм бўлиб, жами харажатлардаги улуши 88,7 фоизни ташкил этади. Ушбу тоифада иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит мақсадларига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайдиган, ташкилотларни сақлаш харажатлари киритилади.

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ 2025 ЙИЛГИ ИЖРОСИНИ “ЯШИЛ” БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ТАСНИФЛАШ НАТИЖАЛАРИ, ТРЛН СЎМ**

| Тоифалар | 2025 йил ижро | фоиз |
|---|---|---|
| **Жами** | **383,9** | **100** |
| «A» тоифа (атроф-муҳит мақсадларининг камида биттасига ижобий таъсир кўрсатадиган ва салбий таъсирга эга эмас харажатлар) | 35,7 | 9,3 |
| «B» тоифа (атроф-муҳит мақсадларига ижобий ва салбий таъсирларнинг комбинациясига эга бўлган харажатлар) | 7,8 | 2,0 |
| «C» тоифа (атроф-муҳит мақсадларидан камида биттасига салбий таъсир кўрсатадиган ва ижобий таъсирга эга эмас харажатлар) | 0,06 | 0,02 |
| «D» тоифа (атроф-муҳит мақсадларининг барчасига нейтрал таъсир кўрсатадиган харажатлар) | 340,4 | 88,7 |

# Ташаббусли бюджет ижроси

Сўнгги йилларда давлат бошқарувида жамоатчилик иштирокини кенгайтириш мақсадида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Ушбу ислоҳотларнинг энг намунали кўринишларидан бири – **ташаббусли бюджет** амалиётидир.

Бу амалиёт фуқароларни бюджет маблағларини тақсимлаш, устувор йўналишларни танлаш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишга бевосита жалб этиш имконини яратди.

2025 йилда ҳам анъанани давом эттирган ҳолда Ташаббусли бюджет жараёни икки мавсум доирасида ўтказилди.

Аввалги мавсумлардан фарқли ўлароқ, 2025 йилда якуний натижалар 1-мавсум 21 март – "Наврўз" байрами ҳамда 2-мавсум 1 сентябр – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги байрами куни эълон қилинди.


2025 йил учун ташаббусли бюджет жараёнларига Давлат бюджетида жами 5,4 трлн сўм маблағ режалаштирилган бўлиб, шу билан бирга маҳаллий бюджетларнинг қўшимча маблағлари ҳисобидан ушбу йўналиш учун **700 млрд сўмдан** ортиқ маблағлар йўналтирилди.

Натижада, Ташаббусли бюджет жараёнлари учун 2025 йилда **6,1 трлн сўм** маблағлар йўналтирилди.

Қайд этиш керакки, 2025 йилдан бошлаб туман ва шаҳарлар учун Ташаббусли бюджетга маблағ ажратишда ҳар бир туманга камида 10 та ва энг кўпи билан 30 та лойиҳага етарли маблағ ажратиш амалиёти жорий этилди.

Бунинг натижасида туман ва шаҳар бюджетларида мазкур йўналиш учун ажратилган маблағлар 2024 йилга нисбатан **1,5 трлн сўмга** ёки **40 фоизга** ошди. Ҳудудлар кесимида таҳлил қилганда, энг катта ўсиш Қорақалпоғистонда – **86 фоиз**, Қашқадарёда – **62 фоиз** ва Бухорода – **49 фоизни** ташкил этди.

**2025 ЙИЛДА ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ ЖАРАЁНЛАРИ УЧУН АЖРАТИЛГАН МАБЛАҒ**



**Амалга оширилган ташкилий масалалар.**

Жорий йилда ҳам жараённи ташкиллаштиришда тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан:

- ҳар мавсум бошланишидан аввал барча фуқароларга **СМС хизмати** орқали жараёнда иштирок этиш муддатлари тўғрисида хабарномалар юборилди;
- ташаббусли бюджет ҳақида **ижтимоий фаол блогер ва канал муаллифлари** билан ҳамкорликда аҳолига тушунарли ва содда тилда **контентлар ишлаб чиқилиб** ижтимоий тармоқларда ёритиб борилди;
- аҳоли гавжум жойларда, жамоат транспортларида жараён бошланиши юзасидан хабардор қилиш бўйича махсус роликлар намойиш этилди.

Шунингдек, аҳоли билан тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда мажбурий овоз беришга жалб этиш ҳолатларини қайд этиш учун махсус **ишонч рақами** ишга турилди.

**Шаклланган лойиҳалар.**

2025 йилда "Ташаббусли бюджет"нинг икки мавсуми давомида жами **50 662 та фуқаролик ташаббуси** келиб тушди. Лойиҳаларнинг аксарияти инфратузилмани яхшилаш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

- **Ички йўллар** йўналиши бўйича **22 332 та лойиҳа** келиб тушган бўлиб, бу умумий лойиҳаларнинг 44,1%ини ташкил этади. Бу кўрсаткич аҳоли учун транспорт алоқалари ва маҳаллий инфратузилманинг аҳамияти юқори эканлигини тасдиқлайди.
- **Умумтаълим мактабларига** оид **4 526 та лойиҳа** келиб тушган. Бу таълим муассасаларидаги инфратузилма муаммоларига эътибор кучайганини кўрсатади.
- **Кўча ёритгичлари** бўйича **4 118 та ташаббус** билдирилган. Бу хавфсизлик ва қулайликни оширишга қаратилган талабларни акс эттиради.
- **Мактабгача таълим** соҳасида **3 014 та лойиҳа, тиббиёт ташкилотлари** бўйича эса **2 193 та лойиҳа** келиб тушган. Бу кўрсаткичлар ижтимоий хизматлар сифатини оширишга бўлган эҳтиёжни кўрсатади.
- **Ичимлик суви ва оқова тизимига** оид **3 670 та лойиҳа** келиб тушган. Бу санитария ва соғлом турмуш тарзига эътибор кучайганини англатади.




2-расм. Тошкент метрополитенида Ташаббусли бюджет ролиги намойиш этилмоқда.

## “ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ”НИНГ ИККИ МАВСУМИ ДАВОМИДА ШАКЛЛАНГАН ЛОЙИҲАЛАР ЮЗАСИДАН МАЪЛУМОТ

| Т/р | Ҳудуд номи | Жами лойиҳалар | шундан | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Ички йўллар | Умум таълим мактаби | Кўча чироқ-лари | Мактаб-гача таълим | Тиббиёт ташкилоти | Ичимлик суви ва оқава тизими | Бошқалар |
| **Жами** | | **50 662** | **22 332** | **6 524** | **5 643** | **1 808** | **1 851** | **1 695** | **10 809** |
| *фоизда* | | *100%* | *44%* | *13%* | *11%* | *4%* | *4%* | *3%* | *21%* |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 3 421 | 1 469 | 299 | 408 | 53 | 99 | 193 | 900 |
| 2 | Андижон | 3 456 | 1 801 | 474 | 396 | 63 | 149 | 109 | 464 |
| 3 | Бухоро | 4 054 | 1 693 | 409 | 546 | 117 | 130 | 81 | 1 078 |
| 4 | Жиззах | 2 444 | 1 093 | 430 | 152 | 95 | 49 | 29 | 596 |
| 5 | Қашқадарё | 3 705 | 2 212 | 376 | 292 | 56 | 111 | 132 | 526 |
| 6 | Навоий | 2 255 | 667 | 361 | 226 | 52 | 84 | 67 | 798 |
| 7 | Наманган | 4 485 | 2 383 | 406 | 625 | 60 | 142 | 162 | 707 |
| 8 | Самарқанд | 4 352 | 2 094 | 589 | 414 | 147 | 205 | 152 | 751 |
| 9 | Сурхондарё | 4 054 | 1 706 | 732 | 561 | 164 | 192 | 199 | 500 |
| 10 | Сирдарё | 2 015 | 678 | 316 | 261 | 90 | 66 | 61 | 543 |
| 11 | Тошкент | 4 518 | 2 018 | 638 | 492 | 180 | 93 | 136 | 961 |
| 12 | Фарғона | 4 274 | 1 508 | 693 | 599 | 329 | 194 | 224 | 727 |
| 13 | Хоразм | 4 102 | 2 449 | 397 | 451 | 75 | 106 | 81 | 543 |
| 14 | Тошкент шаҳри | 3 527 | 561 | 404 | 220 | 327 | 231 | 69 | 1 715 |

# ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА ТАҲЛИЛ

Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, қуйидаги вилоятлар ва шаҳарлар энг фаол иштирокчилар сифатида ажралиб турди:


- **Тошкент вилоятида** жами **4 924 та лойиҳа** келиб тушган бўлиб, уларнинг **2 194 таси** ички йўллар йўналишига тегишли. Бу вилоятда транспорт инфратузилмасини яхшилаш устувор йўналиш сифатида белгиланган.
- **Самарқанд вилоятида 4 556 та ташаббус** қайд этилган. Уларнинг асосий қисми ички йўллар ва таълим муассасаларига қаратилган.
- **Фарғона вилоятида 4 365 та лойиҳа** келиб тушган бўлиб, **1 939 таси** ички йўллар билан боғлиқ. Шунингдек, кўча ёритгичлари ва мактабгача таълимга оид лойиҳалар ҳам кўпчиликни ташкил этган.
- **Андижон, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳри** ҳам юқори фаоллик кўрсатган ҳудудлар қаторига киради.

2025 йилда “Ташаббусли бюджет” доирасида жами **42 191 та лойиҳа** саралашдан ўтиб, овоз бериш жараёнига қўйилди. Ушбу лойиҳалар аҳолининг маҳаллий муаммоларни ҳал этишдаги фаоллигини ва ижтимоий инфратузилмага бўлган эҳтиёжини яққол намоён қилди.

2025 йилда мазкур жараённинг барча босқичларида **рекорд даражада** овоз йиғилди:

| Мавсум | Жалб этилган овозлар (млн) |
|---|---|
| 1-мавсум | 10,45 |
| 2-мавсум | 11,14 |
| **Жами** | **21,59** |

## СОҲАЛАР КЕСИМИДА ҒОЛИБ ЛОЙИҲАЛАР




**Ғолиб лойиҳалар.** 2025 йил якунилари бўйича “Ташаббусли бюджет” доирасида умумий қиймати **6,5 трлн сўмлик** жами **4 786 та ғолиб** лойиҳа аниқланди. Ушбу лойиҳалар учун жами **17,4 миллион овоз** берилди.

Соҳалар кесимида таҳлил қилганда, энг катта улушни **ички йўлларни таъмирлаш ва барпо этишга оид лойиҳалар** эгаллади – **2 180 та лойиҳа**, умумий қиймати **3,17 трлн сўм** бўлиб, бу жами маблағларнинг қарийб **49 фоизини** ташкил этади. Шунингдек, мазкур йўналиш бўйича **10,6 млн** овоз берилган, яъни барча овозларнинг 61 фоизи айнан ички йўллар инфратузилмасига тегишли бўлган. Бу аҳолининг энг муҳим талабларидан бири сифатида йўллар масаласи ҳали ҳам долзарблигини кўрсатади.


Иккинчи йирик йўналиш сифатида **умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва жиҳозлаш** лойиҳалари қайд этилган – **1 187 та ғолиб** лойиҳа, умумий қиймати **1,48 трлн сўм**. Бу жами маблағларнинг **23 фоизини**, овозлар эса **18 фоизни** ташкил этади. Шу билан бирга, **тиббиёт ташкилотлари (484 та лойиҳа, 654 млрд сўм), кўча чироқлари (307 та лойиҳа, 131 млрд сўм)** ва **маҳалла ҳамда мактабгача таълим муассасаларига оид лойиҳалар** ҳам муайян улушга эга бўлди.

**Маҳаллалар иштироки.** 2025 йилда “Ташаббусли бюджет” жараёнида **9 447 та** маҳалла иштирок этган бўлиб, шуларнинг **6 336 таси овоз беришда фаол қатнашган**. Улар томонидан

## МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ЖАЛБ ЭТИЛИШИ

**Ғолиб маҳалла сони:**

**6 581** **70%**




1 марта ғолиб **2076**
2 марта ғолиб **1458**
3 марта ғолиб **1073**
4 марта ғолиб **695**
5+ марта ғолиб **1279**

## “ОҒИР” МАҲАЛЛАЛАР ИШТИРОКИ

"Оғир" маҳалла сони **1036**

шундан, ғолиб сони **695**

лойиҳа сони **1972**
қиймати **1815** (млрд сўм)

УМУМИЙ УЗУНЛИГИ **1048 КМ** ИЧКИ ЙЎЛЛАР ТАЪМИРЛАНДИ

ЖАМИ **644 ТА** ИЖТИМОИЙ СОҲА ТАШКИЛОТЛАРИ ТАЪМИРЛАНДИ

**142 ТА** МАҲАЛЛАДА КОММУНАЛ МУАММОЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

**47 ТА** СПОРТ МАЙДОНЛАРИ ВА ИНШООТЛАРИ БАРПО ЭТИЛДИ

тақдим этилган лойиҳалар орасидан **4 786 та ғолиб лойиҳа** аниқланган ва 3 405 та маҳалла ғолиб сифатида қайд этилган. Бу кўрсаткич умумий маҳаллалар сонининг **36 фоизини** ташкил этади, яъни мамлакат бўйлаб **ҳар учта маҳалланинг камида бири** ғолиб бўлган.

## МАҲАЛЛАЛАРНИНГ “ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ” ЖАРАЁНИДА ИШТИРОКИ ЮЗАСИДАН МАЪЛУМОТ


| Т/р | Ҳудуд номи | Жами маҳалла сони | Овоз тўплаган маҳалла сони | Ғолиб лойиҳа сони | Ғолиб маҳалла сони | Жами маҳалла сонига нисбатан | шундан | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | 1-мавсум | 2-мавсум |
| | **Жами** | **9 447** | **6 336** | **4 786** | **3 405** | **36%** | **2 011** | **1 945** |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 452 | 317 | 355 | 216 | 48% | 136 | 125 |
| 2 | Андижон | 909 | 524 | 417 | 315 | 35% | 190 | 168 |
| 3 | Бухоро | 544 | 357 | 301 | 199 | 37% | 126 | 113 |
| 4 | Жиззах | 308 | 200 | 216 | 129 | 42% | 80 | 76 |
| 5 | Қашқадарё | 822 | 664 | 386 | 266 | 32% | 160 | 156 |
| 6 | Навоий | 330 | 199 | 203 | 127 | 38% | 75 | 74 |
| 7 | Наманган | 791 | 474 | 372 | 282 | 36% | 175 | 151 |
| 8 | Самарқанд | 1 126 | 657 | 442 | 320 | 28% | 183 | 186 |
| 9 | Сурхондарё | 724 | 441 | 325 | 247 | 34% | 149 | 137 |
| 10 | Сирдарё | 238 | 156 | 102 | 83 | 35% | 43 | 48 |
| 11 | Тошкент | 1 025 | 861 | 470 | 343 | 33% | 197 | 195 |
| 12 | Фарғона | 1 062 | 747 | 549 | 410 | 39% | 236 | 236 |
| 13 | Хоразм | 531 | 335 | 275 | 198 | 37% | 110 | 122 |
| 14 | Тошкент шаҳри | 585 | 404 | 373 | 270 | 46% | 151 | 158 |


Икки мавсум натижаларига кўра, **1-мавсумда 2 011 та, 2-мавсумда 1 945 та маҳалла** ғолиб деб топилган. Бу “Ташаббусли бюджет” ташаббуси йил давомида изчиллик билан амалга оширилаётганини ва ҳар икки мавсумда ҳам аҳоли фаоллиги юқори даражада сақланиб қолганини англатади.

# Маҳаллий бюджетлар ижроси

2025 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари **71 265,9 млрд сўм** миқдорида шакллантирилди. Маҳаллий бюджетлар харажатлари эса **109 204,9 млрд сўмга** ижро этилди. Маҳаллий бюджетларнинг балансилигини таъминлаш мақсадида уларнинг даромад ва харажатлари ўртасидаги **37 939 млрд сўм** фарқ тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар орқали қопланди.

## МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ЖАМИ ИЖРОСИ









- Фойда солиғи
- Айланмадан солиқ
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
- Қўшилган қиймат солиғи
- Акциз солиғи
- Мулк солиғи
- Ер солиғи
- Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- Бошқа даромадлар

- Ижтимоий харажатлар
- Иқтисодиёт харажатлари
- Марказлашган инвестиция ва ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантириш харажатлари
- Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари
- Суд органларини сақлаш харажатлари
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира жамғармалари
- Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш ва давлат томонидан ННТ ларни қўллаб-қувватлаш харажатлари
- Давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари
- Бошқа харажатлар

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ









- Фойда солиғи
- Айланмадан солиқ
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
- Акциз солиғи
- Мулк солиғи
- Ер солиғи
- Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- Бошқа даромадлар

- Ижтимоий харажатлар
- Иқтисодиёт харажатлари
- Марказлашган инвестиция ва ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантириш харажатлари
- Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира жамғармалари
- Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш ва давлат томонидан ННТ ларни қўллаб-қувватлаш харажатлари
- Давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари
- Бошқа харажатлар

# АНДИЖОН ВИЛОЯТИ









- Фойда солиғи
- Айланмадан солиқ
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
- Акциз солиғи
- Мулк солиғи
- Ер солиғи
- Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- Бошқа даромадлар

- Ижтимоий харажатлар
- Иқтисодиёт харажатлари
- Марказлашган инвестиция ва ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантириш харажатлари
- Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира жамғармалари
- Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш ва давлат томонидан ННТларни қўллаб-қувватлаш харажатлари
- Давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари
- Бошқа харажатлар

# БУХОРО ВИЛОЯТИ









- Фойда солиғи
- Айланмадан солиқ
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
- Акциз солиғи
- Мулк солиғи
- Ер солиғи
- Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- Бошқа даромадлар

- Ижтимоий харажатлар
- Иқтисодиёт харажатлари
- Марказлашган инвестиция ва ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантириш харажатлари
- Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира жамғармалари
- Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш ва давлат томонидан ННТларни қўллаб-қувватлаш харажатлари
- Давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари
- Бошқа харажатлар

# ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ









- Фойда солиғи
- Айланмадан солиқ
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
- Акциз солиғи
- Мулк солиғи
- Ер солиғи
- Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- Бошқа даромадлар

- Ижтимоий харажатлар
- Иқтисодиёт харажатлари
- Марказлашган инвестиция ва ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантириш харажатлари
- Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира жамғармалари
- Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш ва давлат томонидан ННТларни қўллаб-қувватлаш харажатлари
- Бошқа харажатлар

# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ









- Фойда солиғи
- Айланмадан солиқ
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
- Акциз солиғи
- Мулк солиғи
- Ер солиғи
- Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- Бошқа даромадлар

- Ижтимоий харажатлар
- Иқтисодиёт харажатлари
- Марказлашган инвестиция ва ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантириш харажатлари
- Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира жамғармалари
- Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш ва давлат томонидан ННТларни қўллаб-қувватлаш харажатлари
- Давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари
- Бошқа харажатлар

# НАВОИЙ ВИЛОЯТИ









- Фойда солиғи
- Айланмадан солиқ
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
- Акциз солиғи
- Мулк солиғи
- Ер солиғи
- Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- Бошқа даромадлар

- Ижтимоий харажатлар
- Иқтисодиёт харажатлари
- Марказлашган инвестиция ва ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантириш харажатлари
- Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира жамғармалари
- Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш ва давлат томонидан ННТларни қўллаб-қувватлаш харажатлари
- Бошқа харажатлар

# НАМАНГАН ВИЛОЯТИ









- Фойда солиғи
- Айланмадан солиқ
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
- Акциз солиғи
- Мулк солиғи
- Ер солиғи
- Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- Бошқа даромадлар

- Ижтимоий харажатлар
- Иқтисодиёт харажатлари
- Марказлашган инвестиция ва ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантириш харажатлари
- Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира жамғармалари
- Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш ва давлат томонидан ННТларни қўллаб-қувватлаш харажатлари
- Давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари
- Бошқа харажатлар

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ









- Фойда солиғи
- Айланмадан солиқ
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
- Акциз солиғи
- Мулк солиғи
- Ер солиғи
- Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- Бошқа даромадлар

- Ижтимоий харажатлар
- Иқтисодиёт харажатлари
- Марказлашган инвестиция ва ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантириш харажатлари
- Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира жамғармалари
- Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш ва давлат томонидан ННТларни қўллаб-қувватлаш харажатлари
- Давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари
- Бошқа харажатлар

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ









- Фойда солиғи
- Айланмадан солиқ
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
- Акциз солиғи
- Мулк солиғи
- Ер солиғи
- Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- Бошқа даромадлар

- Ижтимоий харажатлар
- Иқтисодиёт харажатлари
- Марказлашган инвестиция ва ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантириш харажатлари
- Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира жамғармалари
- Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш ва давлат томонидан ННТларни қўллаб-қувватлаш харажатлари
- Давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари
- Бошқа харажатлар

# СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ









- Фойда солиғи
- Айланмадан солиқ
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
- Акциз солиғи
- Мулк солиғи
- Ер солиғи
- Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- Бошқа даромадлар

- Ижтимоий харажатлар
- Иқтисодиёт харажатлари
- Марказлашган инвестиция ва ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантириш харажатлари
- Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира жамғармалари
- Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш ва давлат томонидан ННТларни қўллаб-қувватлаш харажатлари
- Давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари
- Бошқа харажатлар

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ









- Фойда солиғи
- Айланмадан солиқ
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
- Акциз солиғи
- Мулк солиғи
- Ер солиғи
- Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- Бошқа даромадлар

- Ижтимоий харажатлар
- Иқтисодиёт харажатлари
- Марказлашган инвестиция ва ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантириш харажатлари
- Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира жамғармалари
- Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш ва давлат томонидан ННТларни қўллаб-қувватлаш харажатлари
- Давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари
- Бошқа харажатлар

# ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ









- Фойда солиғи
- Айланмадан солиқ
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
- Акциз солиғи
- Мулк солиғи
- Ер солиғи
- Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- Бошқа даромадлар

- Ижтимоий харажатлар
- Иқтисодиёт харажатлари
- Марказлашган инвестиция ва ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантириш харажатлари
- Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира жамғармалари
- Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш ва давлат томонидан ННТларни қўллаб-қувватлаш харажатлари
- Бошқа харажатлар

# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ









- Фойда солиғи
- Айланмадан солиқ
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
- Акциз солиғи
- Мулк солиғи
- Ер солиғи
- Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- Бошқа даромадлар

- Ижтимоий харажатлар
- Иқтисодиёт харажатлари
- Марказлашган инвестиция ва ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантириш харажатлари
- Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира жамғармалари
- Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш ва давлат томонидан ННТларни қўллаб-қувватлаш харажатлари
- Давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари
- Бошқа харажатлар

# ТОШКЕНТ ШАҲАР




- Фойда солиғи
- Айланмадан солиқ
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
- Қўшилган қиймат солиғи
- Акциз солиғи
- Мулк солиғи
- Ер солиғи
- Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- Бошқа даромадлар

- Ижтимоий харажатлар
- Иқтисодиёт харажатлари
- Марказлашган инвестиция ва ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантириш харажатлари
- Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари
- Суд органларини сақлаш харажатлари
- Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш ва давлат томонидан ННТларни қўллаб-қувватлаш харажатлари
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира жамғармалари
- Давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари
- Бошқа харажатлар

# МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ 2025 ЙИЛ ҚЎШИМЧА МАНБАЛАРИ ВА УЛАР ҲИСОБИДАН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР

2025 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларида **11 034,9 млрд сўм** қўшимча даромадлар шаклланди ва улар ҳисобидан **10 142,3 млрд сўм** ёки жами маҳаллий бюджетлар харажатларининг **9,3%** и миқдорида қўшимча тадбирлар молиялаштирилди.

**МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ ҚЎШИМЧА МАНБАЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ, МЛРД СЎМ**

| № | Ҳудудлар | Даромадлар | Харажатлар |
|---|---|---|---|
| **Маҳаллий бюджетлар бўйича жами** | | **11 034,9** | **10 142,3** |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 369,7 | 361,0 |
| 2 | Андижон вилояти | 486,0 | 399,4 |
| 3 | Бухоро вилояти | 410,4 | 379,7 |
| 4 | Жиззах вилояти | 249,2 | 219,5 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 551,7 | 550,5 |
| 6 | Навоий вилояти | 480,7 | 327,6 |
| 7 | Наманган вилояти | 322,0 | 283,7 |
| 8 | Самарқанд вилояти | 589,0 | 554,3 |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 250,0 | 214,0 |
| 10 | Сирдарё вилояти | 359,0 | 343,9 |
| 11 | Тошкент вилояти | 910,1 | 754,5 |
| 12 | Фарғона вилояти | 907,7 | 780,4 |
| 13 | Хоразм вилояти | 467,1 | 439,6 |
| 14 | Тошкент шаҳар | 4 682,5 | 4 534,2 |

## МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ ҚЎШИМЧА МАНБАЛАРИ ҲИСОБИДАН ХАРАЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ, МЛРД СЎМ

| № | Ҳудудлар | ЖАМИ | Ҳудудни ривожлантириш дастурлари | Президент ташрифлари бўйича топшириқлар | "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари | Ҳудудларни ободонлаштириш | Ҳокимликларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш | Бошқа жамғармаларга | Ташаббусли бюджетлаштиришни молиялаштириш | Бошқа харажатлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Маҳаллий бюджетлар бўйича жами** | | **10 142,3** | **1 611,3** | **59,3** | **273,8** | **479,9** | **200,8** | **2 715,2** | **707,4** | **4 094,6** |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 361,0 | 3,4 | 0,1 | 0,0 | 28,8 | 11,4 | 31,0 | 84,5 | 201,8 |
| 2 | Андижон вилояти | 399,4 | 103,7 | 5,1 | 0,0 | 62,7 | 16,8 | 42,1 | 45,2 | 123,8 |
| 3 | Бухоро вилояти | 379,7 | 181,8 | 0,0 | 8,7 | 6,7 | 8,8 | 93,0 | 9,5 | 71,2 |
| 4 | Жиззах вилояти | 219,5 | 8,2 | 0,0 | 0,0 | 11,2 | 11,7 | 34,1 | 14,5 | 139,7 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 550,5 | 126,2 | 8,4 | 119,9 | 46,8 | 14,1 | 58,4 | 27,7 | 149,2 |
| 6 | Навоий вилояти | 327,6 | 105,7 | 0,0 | 0,0 | 10,7 | 21,3 | 77,9 | 17,6 | 94,5 |
| 7 | Наманган вилояти | 283,7 | 128,4 | 0,6 | 4,4 | 15,0 | 6,9 | 32,8 | 20,2 | 75,4 |
| 8 | Самарқанд вилояти | 554,3 | 131,5 | 4,3 | 0,1 | 29,5 | 19,4 | 107,2 | 71,2 | 191,1 |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 214,0 | 64,7 | 0,5 | 0,7 | 9,6 | 16,3 | 21,4 | 27,8 | 72,8 |
| 10 | Сирдарё вилояти | 343,9 | 72,1 | 0,1 | 18,9 | 63,7 | 32,5 | 55,1 | 23,6 | 77,8 |
| 11 | Тошкент вилояти | 754,5 | 257,8 | 16,5 | 0,0 | 27,1 | 8,8 | 120,0 | 79,5 | 244,8 |
| 12 | Фарғона вилояти | 780,4 | 177,6 | 13,3 | 116,2 | 50,4 | 8,3 | 143,8 | 56,2 | 214,6 |
| 13 | Хоразм вилояти | 439,6 | 125,5 | 1,1 | 0,7 | 38,0 | 19,0 | 72,3 | 23,9 | 159,1 |
| 14 | Тошкент шаҳри | 4 534,2 | 124,7 | 9,2 | 4,3 | 79,7 | 5,4 | 1 826,2 | 205,9 | 2 278,7 |

# Бюджет тақчиллиги ва уни қоплаш манбалари

2025 йил якуни билан Консолидациялашган бюджетнинг умумий фискал баланси тақчиллиги белгиланган меъёрлар доирасида ижро этилди ва 39,1 трлн сўмни (ЯИМнинг 2,1 фоизи) ташкил этди.

**2025 ЙИЛ КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТ ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ**

| | Даромадлар | Харажатлар | Сальдо: профицит (+) / дефицит (-) |
|---|---|---|---|
| Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари | 425 271,8 | 447 803,7 | -22 531,9 |
| Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | 28 222,3 | 25 005,4 | 3 216,8 |
| Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурлари | | 22 617,4 | -22 617,4 |
| Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари | 49 101,2 | 46 231,9 | 2 869,3 |
| Консолидациялашган бюджет* | 502 595,3 | 541 658,4 | -39 063,1 |

** Бюджетлараро трансфертлар ҳисобга олган ҳолда*

Консолидациялашган бюджет тақчиллигини (39,1 трлн. сўм) қоплаш ва 45,0 трлн сўм миқдоридаги асосий қарзни сўндириш учун қуйидаги манбалардан йўналтирилди:


**ТАШҚИ**

- халқаро молия институтларининг кредитлари ва евробондлар чиқариш – **26,7 трлн сўм.**
- давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш учун қарзлар – **22,6 трлн сўм.**

**ИЧКИ**

- давлат ғазначилик облигацияларини чиқариш – **28,6 трлн сўм.**
- давлат активларини хусусийлаштиришдан тушумлар – **6,2 трлн сўм.**


**БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИНИ ҚОПЛАШ МАНБАЛАРИ ТАРКИБИ, 2025 ЙИЛ УЧУН, ТРЛН СЎМ**




# 3 ДАВЛАТ ҚАРЗИ

**Давлат қарзи қолдиғи** 2026 йил 1 январь ҳолатига **46,9 млрд.** АҚШ долларни (шундан, давлат ташқи қарзи – **39,8 млрд.** АҚШ долл., давлат ички қарзи – **7,0 млрд.** АҚШ долл.) ёки ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбатан **31,9 фоизни** ташкил этди.


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҚАРЗИ ДИНАМИКАСИ*




## ДАВЛАТ ТАШҚИ ҚАРЗИ ҚОЛДИҒИ, МЛРД. АҚШ ДОЛЛАРИ




## ДАВЛАТ ИЧКИ ҚАРЗИ ҚОЛДИҒИ, МЛРД. АҚШ ДОЛЛАРИ




**) Давлат қарзи бўйича статистик маълумотлар халқаро молия ташкилотлари ва тижорат банклари тақдим этадиган маълумотлар асосида аниқлаштириб борилади.*


2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати) номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланган янги битимлар ҳажми **5,5 млрд АҚШ долларни**, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун – **3,0 млрд АҚШ долларни** ташкил этди.

Шунингдек, 2025 йилда Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилган давлат қимматли қоғозларининг соф ҳажми **30,0 трлн сўмни** ташкил қилди.

### ДАВЛАТ ТАШҚИ ҚАРЗИНИНГ КРЕДИТОРЛАР КЕСИМИДА ТАҚСИМЛАНИШИ (01.01.2026 Й. ҲОЛАТИГА) ЎЛЧОВ БИР. – МЛРД. АҚШ ДОЛЛ. ЭКВ.

| ХМИ/ХҲМТ | Сумма |
|---|---|
| Жаҳон банки | 8,9 |
| Осиё тараққиёт банки | 8,4 |
| Халқаро инвесторлар (халқаро облигациялар) | 5,8 |
| Хитой тараққиёт давлат банки, Хитой Эксимбанки ва бошқалар | 3,9 |
| Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва бошқалар | 3,0 |
| Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки | 2,3 |
| Франция тараққиёт агентлиги ва бошқалар | 1,3 |
| Ислом тараққиёт банки | 1,1 |
| Корея Эксимбанки, Корея иқтисодий тараққиёт жамғармаси ва бошқалар | 0,7 |
| Германия давлат банки | 0,7 |
| Халқаро валюта жамғармаси | 0,6 |
| Саудия тараққиёт жамғармаси | 0,1 |
| Бошқа халқаро молиявий ташкилотлар | 2,9 |
| **Жами** | **39,8** |

### ДАВЛАТ ҚАРЗИ ВАЛЮТА ТАРКИБИ, ФОИЗДА





# АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

**Давлат бюджети** – давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси.

**Бюджетдан ажратиладиган маблағлар** – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюд жети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан бюджет ташкилотлари ҳамда бюджетдан маблағ олувчилар учун назарда тутиладиган пул маблағларидир.

**Бюджет тизими бюджетлари** – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари.

**Бюджет йили** – тасдиқланган бюджет ижроси амалга ошириладиган давр.

**Қорақалпоғистон Республикаси бюджети** – Давлат бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми ҳисобланиб, молия йили мобайнида даромад манбалари ва миқдорларини ҳамда харажатлар йўналишлари ва миқдорларини назарда тутади.

**Бюджет таснифи** – бу барча даражалардаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатларини, шунингдек, бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбаларини ва давлат қарзи турларини бир хил турдаги белгилар бўйича гуруҳларга бўлиниши.

**Бюджет ташкилоти** – Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб турилувчи, давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилган нотижорат ташкилотдир.

**Давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш –** активларни хориж манбаларидан (чет давлатлардан, норезидент юридик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этилиши ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши.

**Давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш** – активларни ички манбалардан (резидентюридик ва жисмоний шахслардан) жалб этилиши ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши.

**Давлат ғазначилик облигациялари** – бу аҳоли ва юридик шахслар ўртасида жойлаштириладиган ва пул маблағларини сақловчилар томонидан уларнинг бюджетга киритилишини тасдиқлайдиган ва ушбу қимматли қоғозларга эгалик қилиш муддати давомида қатъий белгиланган даромад олиш ҳуқуқини берадиган давлат қимматли қоғозларидир.

**Давлат қарзи** – Ўзбекистон Республика сининг ички ва ташқи маблағларни жалб қилиш натижасида вужудга келган мажбуриятлари.

**Давлат бюджети тақчиллиги** – муайян даврда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатларининг унинг даромадларидан ошиб кетиши.

**Инфляция** – валютанинг қадрсизланиши, нархларнинг нотекис ўсиши билан намоён бўлди. Инфляциянинг асосий сабаблари – талаб ва таклиф ўртасидаги бузилиш, таркибий номутаносибликдир.

**Ғазначилик** – Давлат бюджетининг ижросини амалга оширувчи махсус ваколатли молия органи.

**Консолидациялашган бюджет** – бюджет тизими бюджетларининг барча тушумларини ҳамда харажатларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш мақсадида шакллантириладиган бюджет. Консолидациялашган бюджет таркибига Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари киради.

**Бюджетлараро трансфертлар** – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига, давлат мақсадли жамғармаларига ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган маблағлар.

**Маҳаллий бюджет** – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Солиқ имтиёзлари** – солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш, шунингдек, солиқ тўловчи учун солиқ юкини бошқача тарзда юмшатишдир.

**Қарзга хизмат кўрсатиш** – қарз (қарзлар) бўйича қарз мажбуриятларини, шу жумладан, қарздорликнинг асосий қисми, фоизлар, воситачилик ҳақи ва жарималарни тўлаш бўйича мажбуриятни узиш учун умумий тўловлардир.

**Бюджет маблағларини олувчи** – Давлат бюджетидан ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан маблағлар олувчи юридик ёки жисмоний шахсдир.

**Республика бюджети** – Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молия лаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва уларга тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнидаги маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Харажатлар сметаси** – бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағларини олувчи томонидан молия йили учун тузиладиган, назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг харажатлар моддалари бўйича акс эттириладиган ҳужжатдир.

**Ҳудудий молия органлари** – Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимларидир.

**Бюджет жараёни иштирокчилари** – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат молиявий назорат органлари, бюд жет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар.

**Молия йили** – биринчи январдан ўттиз биринчи декабрь куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига олувчи даврдир.

**Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси** – меҳнатга ҳақ тўлаш, қўшимча ҳақлар, мукофот пуллари тўлаш учун харажатларни молиялаштирувчи аниқ мақсадли манбадир.

**Харажатларнинг вазифа жиҳатидан таснифи** – давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этилувчи асосий функциялар бўйича харажатларни гуруҳларга ажратилишидир.

**Харажатларнинг иқтисодий таснифи** – ха ражатларни иқтисодий йўналиши ва тўлов турлари бўйича гуруҳланишидир.

# БОҒЛАНИШ УЧУН МАЪЛУМОТ




**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги**

МАСЪУЛ ДЕПАРТАМЕНТ:

**Давлат бюджети сиёсати департаменти**

РАСМИЙ ВЕБСАЙТ
www.imv.uz

“ОЧИҚ БЮДЖЕТ” АХБОРОТ ПОРТАЛИ
https://openbudget.uz

ЭЛЕКТРОН МАНЗИЛ
info@imv.uz (фақат жамоатчилик билан алоқа учун)
imv@exat.uz (фақат идоралараро ва ҳукумат корреспонденцияси учун)

ТЕЛЕФОНЛАР
Оғзаки мурожаатларни қабул қилиш масалалари, раҳбарият қабулига ёзилиш:
(998 71) 203-50-50

**Ахборот хизмати:**
(998 71) 203-50-50

**Назорат бўлими:**
(998 71) 203-50-50

МАНЗИЛ
Тошкент ш. Истиқлол кўчаси 29, 100017, Ўзбекистон.
Мўлжал: Мустақиллик майдони.